




ХАВАР



Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 4 сентябрь № 35 (315) ● Сотувда нархи эркин

ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИДА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг навбатдаги ҳайъати йиғилиши бўлиб ўтди. Уни агентлик Бош директори, ҳайъат раиси А.ЖУРАБОВ бошқарди.

Йиғилишда Мустақиллик байрами муносабати билан алоқачиларни мукофотлаш тўғрисидаги ва Оила йилида корхоналарда олиб борилган ишлар ҳамда бир қатор бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилиш қатнашчиларига мукофотга номзодлар рўйхатини Агентликнинг мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш бўлими бошлиғи Р.Асқаров ўқиб эшиттирди. Жойлардан агентлик мукофотиغا тавсия этилганлардан айрим номзодлар ҳайъат аъзолари эътирозига сабаб бўлди. Мукофотга лойиқ номзодлар топиб, уларни тасдиқлаш ушбу бўлим зиммасига юкланди.

Маълумки, бу йил Оила йили деб эълон қилинган. Хўш, жойларда қандай ишлар амалга оширилляпти? Ҳайъат йиғилишида ана шу масала баъзи бир корхоналар мисолида кўриб чиқилди. «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» очик турдаги хиссадорлик жамияти бош директори Ш.Одиллов қорхонада жорий йилда Оила йилига бағишлаб олиб борилган ишлар хус-

сида тўхталиб, шундай деди: «Қорхонада режа бўйича иш олиб бораёلمиз. Узоқ ишлаган меҳнат фахрийлари, уруш ноғиронлари, афгон уруши қатнашчилари, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бераёلمиз. Ёзда 600 нафардан кўп болалар ёзги лагерда бепул дам олишди. Байрамларда ходимларга кўмаклашяёلمиз. Келин-куёвлар танлови ўтказишни мувожазлашяёلمиз. Қорхонамизда ҳар хил турдаги спорт мусобақалари ўтказиб турилади».

Шундан сўнг Навоий вилояти давлат электралоқа корхонаси бошлиғи Б.Тўғривбойев, «Жиззах телеком» шўба корхонаси бош директори Д.Ташоновлар оила йилида ўз корхоналарида амалга оширилган ишлар ва режалар хусусида маълумот берди.

Ҳайъат йиғилишида агентлик бош директори А.Журабов сўзга чиқиб, жойларда бу борадаги ишлар қониқарсиз эканлиги, турли спорт мусобақалари ўтказиш учун жойларда шароит борлиги, бунга фақат раҳбарлар яхши эътибор бермаётганлигини айтиб ўтди.

Ҳайъатда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Иzzат АХМЕДОВ

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг етти йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонида кўра, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигига қарашли Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани электралоқа боғламаси бош муҳандиси Эгамберган Сапаевич АБДУЛЛАЕВ, Нукус тумани электралоқа боғламаси алоқачиси Збир АЙТБАЕВА, «Сирдарё телеком» хиссадорлик жамияти,

Гулистон шаҳар бўлими электромонтёри Сулейман АЛИБЕВ, «Жиззах телеком» шўба корхонаси, Пахтакор тумани телефон усталарининг бригадаси бошлиғи Абдурашул БАРОТОВ, «Сурхондарё телеком» шўба корхонаси электромонтёри Фуқрат Воситович ВОҲИДОВ, «Фаргона почтаси» хиссадорлик жамияти, Марғилон шаҳар филиали матбуот тарқатиш бўлими бошлиғи Шарофатхон Хошимовна ЖУРАБОВЕВА,

«Самарқанд телеком» шўба корхонаси Булунгур тумани филиали электромонтёри Жуман МИРЗАРАҲМАТОВ, Навоий давлат электралоқа корхонаси, Хатирчи тумани электралоқа боғламаси бошлиғи Асоқул СУЮНОВ, Тошкент вилояти электралоқа корхонаси, Бўқа тумани почта алоқа тармоғи почтачиси Норинисо Тўйчиевна ФАЙЗИЕВАлар «ШУХРАТ МЕДАЛИ» билан мукофотландилар.

МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг етти йиллиги муносабати билан меҳнатда намуна кўрсатганликлари учун бир гуруҳ алоқа ходимлари муносиб тақдирландилар.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директорининг буйруғига кўра, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари Владимир Лазаревич ШТЕЙНБЕРГ, «Жиззах телеком» шўба корхонаси, Зарбдор тумани филиали 6 тоифали электромонтёри Холмўмин НОРҚУЗИЕВ, «Хоразм почтаси» хиссадорлик жамияти директорининг ўринбосари Саодат Салаева МАТЖОНОВА, Республика махсус алоқа тармоғи Ҳукумат алоқа хизмати линия кабель иншоотларига хизмат кўрсатиш гуруҳи 5 разрядли электромонтёри Абдурашид Асқарович СОЛИХОВ, Бухоро вилояти, электралоқа корхонаси, Жондор тумани электралоқа боғламасининг муҳандиси Ахмад Низоович РУЗИЕВ, «Тошкент почтачиси», «Сирғай туманлараро филиали бошлиғи Мирзайўлдош Файзуллаевич РАХМАТУЛЛАЕВ, «Наманган телеком» хиссадорлик жамияти, Уйчи филиали телефончиси Тўтахон УМУРЗОҚОВА, Тошкент радиотелевидение узатиш маркази бош муҳандиси Ханафий Исмаилов АБДУРАЗОҚОВ, «Андижон почтаси» хиссадорлик жамияти, Андижон филиалига қарашли 37 алоқа бўлими почтачиси Насриддин ХАМИДОВ, «Маҳаллий телеком» акциядорлик компанияси бош директорининг ўринбосари Михаил Никитович КОЖАКИНларга Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг «МОҲИР АЛОҚАЧИ» фахрий унвони берилди.

Шунингдек, «Алоқинвест» акциядорлик жамияти, Тошкент вилояти кўча механизациялашган жамланма бошлиғи Раҳимжон Тўйчиевич МАДАЗИМОВ, «Алоқабан» Амалиёт бошқармаси бошлиғи вазиасини бажарувчи Абдувахоб Тожиевич СУЛТОНОВ, Тошкент электротехника алоқа институти телевидение ва радиоэшиштириш

кафедраси катта ўқитувчиси Любовь Николаевна КРОПИВНИЦКАЯ, Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори Абдулла Нигматович ОРИПОВ, Давлат алоқа инспекцияси почта алоқаси бўлимининг бошлиғи Альфия Сабитовна МАННАПОВА, «Ўзбекистон почтаси» даврий матбуот тарқатиш бўлими бошлиғи ўринбосари Татьяна Николаевна БАЗАРОВА, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Маркетинг тадқиқотлари ва тарифлари бўлими бошлиғи Юсуф Рустемович МУХЧИ, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази хорижий тиллардан таржима қилиш бўлими бошлиғи Туйғун Бахтиёрович АГЛАМОВ, Шаҳарлараро ва халқаро алоқа тармоқларини бошқариш маркази бошлиғи ўринбосари Людмила Викторовна ОРМАНОВА, «Фаргона почтаси» хиссадорлик жамияти, Кува почта алоқаси филиали бошлиғи Хамдам Ёкубович ИМОМОВ, Шаҳарлараро алоқа ва телевидение худудий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош муҳандиси Игорь Самуилович ГУЗМАНлар Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг «ФАХРИЙ ЁРЛИГИ» билан мукофотландилар.

Куйдаги ходимлар — «Бухоро почтаси» хиссадорлик жамияти, Ғиждувон филиали бошлиғи Шодмон Болтаевич АМОНОВ, Урганч шаҳар ва шаҳарлараро телефон станцияси бошлиғи Ортиқбой Нурметович ОЛЛАБЕРГАНОВ, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» очик турдаги акциядорлик жамияти станциялараро алоқа филиали бошлиғи Аскар Акбарович ТОШПҮЛАТОВ, «Сирдарё телеком» хиссадорлик жамияти, Бахт шаҳар бўлими директори Муҳаммад Турғунович БЕГМАТОВ, «Самарқанд телеком» шўба корхонаси, Нарпай бўлими директори Холмад Ҳасанович ҚУРБОНОВ, «Тошкент телеком» хиссадорлик жамияти, Янгийўл бўлими директори Жумабой Амирович БУТАЕВ, Давлат фельдъегерлик хизмати Нукус бўлими бошлиғи Пердебай Калиметович ТУРЕ-

МУРАТОВ, «Алоқинвест» акциядорлик жамияти, Қашқадарё алоқа кўча механизациялашган жамланма бошлиғи Абдурахмон НАЗАРОВ, Шаҳарлараро алоқа ва телевидение худудий ишлаб чиқариш бирлашмаси 3-шаҳарлараро ва телевидение боғламаси кабель участкаси бошлиғи Мамат МУСУРМОНОВ, Тошкент халқаро электралоқа маркази бўлим бошлиғи Гулчана Асхатовна САЛУХОВАлар агентлигининг «АЪЛО ДАРАЖАЛИ РАҲБАР» фахрий нишони билан тақдирландилар.

Шунингдек, «Сурхондарё почтаси» хиссадорлик жамияти алоқа бўлими бошлиғи Кўчкор Назруллаевич ҚУРБОНОВ, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳар электралоқа боғламаси симли эшиштириш участкаси бошлиғи Бердимурат АБДИМУРАТОВ, Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани электралоқа боғламасининг бошлиғи Ибрагим АЛЛАБЕРГЕНОВ, Давлат фельдъегерлик хизмати ички хизмат майори Шухрат Райисович КАРИМОВ, «Андижон телеком» хиссадорлик жамияти мутахассислар бўлимининг бошлиғи Шаҳодат Собировна ХОШИМОВА, «Алоқинвест» акциядорлик жамияти, Жиззах кўча механизациялашган жамланма прораби Абдумўмин Бердикюлиевич АБДУРАСУЛОВ, Тошкент электротехника алоқа институти телематика тизимлари кафедраси катта ўқитувчиси Рустам Хусанович ЖУРАЕВ, Давлат алоқа инспекцияси, Андижон вилояти алоқа инспекцияси бошлиғи Рустам Сотволдиевич ТАВАККАЛОВ, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказининг лаборатория бошлиғи Алишер Мирқамолевич ШУКУРОВ, Қашқадарё радиотелевидение узатиш маркази муҳандиси Ҳасан Болтаевич САТТОРОВ, Тошкент алоқа коллежи ўқитувчиси Якупбой МҶМИНОВ, Республика махсус алоқа тармоғи бошлиғи биринчи ўринбосари Баҳром Собирович ЗОҲИДОВлар агентлигининг «АЪЛО ДАРАЖАЛИ МУТАХАССИС» фахрий нишонига сазовор бўлишди.

(Давоми 2-бетда.)

ОЛАМДА НИМА ГАП?

Ю.Лужковнинг учрашуви бўлиб ўтди. Улар иқтисодий тангликдан чиқиш йўллари муҳокама қилдилар. Бу соҳада ҳамма томонларнинг бир-бирларини тушунишлари зарур эканлигини таъкидладилар. Лекин шунга қарамай, Россиядаги молиявий танглик борган сари чуқурлашиб бормокда.

- Словакия халқи ўзининг миллий байрами — Словакиядаги кўзгочининг 54 йиллик санасини нишонлашди.
- Эронда шахмат бўйича эркаклар ўртасида биринчи Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Унда 18 мамлакатдан 21 нафар гроссмейстер қатнашди. Ўзбекистонлик иқтидорли ёш шахматчи Рустам Қосимжоновнинг эришган ютуқлари чемпионатнинг шов-шувига айланди. Ҳамюртимиз бирорта ҳам мағлубиятга учрамади ва 11 имкониятдан 9 очко тўлаб, шахмат бўйича биринчи Осиё чемпионатининг голиби бўлди.
- Филиппинга қарашли юк кема Тинч океанида чўкиб кетди. Кемадаги 10 нафар экипаж аъзосининг тақдири нима бўлгани ҳозирча номаълум. Мазкур «Си Проспект» кемаси ўз фалокати тўғрисида хабар тарқатганда, шу худудда сузиб кетаётган икки кема ёрдамга келди. Улар чўкаётган кема экипажи аъзоларидан 11 нафарини қутқаришга муваффақ бўлди, холос.

АУДИТОРЛИК ХОЛИС ТЕКШИРУВНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Жамоатчи мухбиримиз Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги қошидаги масъулияти чекланган жамият — «Аломат-аудит» аудиторлик фирмаси аудитори Муҳсинжон БҮРИЕВ билан аудиторлик хизмати давр талаблари даражасига етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида суҳбатлашди.

— Қайси соҳадан меҳнат фаолиятингиз бошланган?

— Беширик туман алоқа бўлимида 1984 йили почтачиликдан иш бошладим. Ёрдამчи ҳисобчи, бош ҳисобчи вазибаларида ишладим. 1994 йил, декабрь ойидан бошлаб Республика Алоқа вазирлигида назорат тафтиш бошқармасининг етакчи мутахассиси бўлдим. «Ўзбектелеком» концернининг назорат тафтиш бошқармасида Фаргона вилояти бойича бош мутахассис бўлиб ишладим. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида ҳўжалик ҳисоботидаги ҳуқуқий ёрдამ кўрсатиш марказида ўқидим. Ҳозирги кунда «Аломат-аудит» аудиторлик фирмасида аудиторлик қиляпман.

— Мутахассислик бўйича қайси олий ўқув юртида таҳсил олгансиз?

— Тошкент Алоқа коллежи-

нинг бухгалтерия ҳисоби бўлимида ўқидим. Институтда ўқишни давом эттириш ниятидаман.

— Тафтиш ва аудиторликнинг фарқи, ташкилот ва фуқароларга нафи нимада деб ўйлайсиз?

— Тафтиш пайтида камчиликлар очилади, далолатномага тиркалиб, юқори ташкилотга топширилади. Шу билан бунга нуқта қўйилади. Аудиторликда корхона ёки ташкилот ҳисоботи, баланс сифати, молия натижаларининг ишончилиги, бухгалтерия ҳисоботини замон андозлари асосида ташкил қилиниши ҳамда молиявий фаолияти таҳлил қилинади. Ишда йўл қўйилган айрим камчиликлар юзасидан маслаҳат, кўмак берилади. Бу эса ўз навбатида ҳисобот ходимлари масъулиятини оширади. Ҳар бир ҳужжатни тў-

ри ва тўла-тўқис юритишга даъват қилади. Бунинг учун мен ҳамма жойда Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган «Ўзбекистон Республикаси корхоналарида аудитни амалга оширишнинг замонавий методикаси»га риоя қилиб, иш юритаман.

— Хизмат юзасидан республикамызнинг турли жойларида бўласиз, ҳар хил шарт-шароитлар, нотаниш фуқаролар даврасида юриб, уларнинг ҳисоботларини текширасиз, Жойларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида умумий таассуротингиз қандай?

— Шу тармоқда олти йилдан буён ишлаб келяпман. Кўпроқ Фаргона водийси ва Тошкент вилояти почта ва электралоқа корхоналарида аудиторлик қилдим. Текширишга чиққан пайтда телефон орқали ташкилотимиз билан тез-тез алоқада бўлиб тураман. Ҳозир аудиторлик фирмамизда 45 нафар ходим фаолият кўрсатишади. Ашрабхўжа Эшонхўжаев, Ҳотамбек Махмудов, Обиджон Кел-

дибоев, Муҳитдин Қаюмов, Абдумалик Пўлатов каби ҳамкасбларим ўз касбини шарафлаб келишаётир. Улар иш сифати ва самарасига бутун диққат-эътиборини қаратадилар.

Мен хизмат бўйича «Андижон телеком» ҳиссадорлик жамиятининг Улуғнор филиалида бўлганимда ҳисобчи кадрларни танлаш, тарбиялаш, уларни жой-жойига қўйишда жузъий камчиликларга йўл қўйилганлигини билдим. «Андижон почтаси» ХЖнинг Пойтуғ филиалида бўлган пайтимида эса бухгалтерия ҳисоботлари ҳозирги замон талабига тўла жавоб берадиган даражада эканлигининг гувоҳи бўлдим. Текширувдан кўнглим тўлди. Шу ўринда бир тақлимимни айтиб ўтсам. Бухгалтерия ҳисобот ходимларини янги тартиблар бўйича иш юритишлари учун қисқа ўқув курси ташкил қилиш, семинарлар уюштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

— Қайси шоир, ёзувчи асарларини севиб ўқийсиз?

— Эркин Воҳидов, Абдул-

ла Орипов, Анвар Обиджон, Ўткир Ҳошимов, Йўлдош Сулаймон, Қамчибек Кенжа каби ижодкорларнинг асарларини зўр ҳаяжон билан ўқийман ва улардан олам-олам завқ-шавқ оламан.

— Оилангиз ҳақида нималар дея оласиз?

— Отам Эргашали Бўриев уруш иштирокчиси, 1-гурух ногирони, онам Оминахон 66 ёшдалар. Биз оилада етти фарзандимиз. Мен тўртинчисиман. Уйланганман. Турмуш ўртоғим Мавлудхон маданият институтини битирган, туманимиз марказидаги кутубхонада ишлайди. Диёранамиз исмли қизим, Ўткирбек деган ўғлим бор.

— Ҳисобот ходимларига, ҳамкасбларингизга қандай гапларингиз бор?

— Улар бухгалтерия ҳисоботларига ва солиқ қонунлари юзасидан чоп этилган қўланмаларни кўн билан ўқиб, ишда шунга амал қилишларини, инсофли ва диёнатли бўлишларини хоҳлардим.

Суҳбатдош Кўлдош ҲОЖИМАТОВ, Андижон вилояти

МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИЛАР

(Боши 1-бетда.)

«Қорақалпоқ почтаси» ҳиссадорлик жамияти, Нукус почтамоҳи алоқа бўлими бошлиғи Макпал ОРДАШЕВА, «Навоий почтаси» ҳиссадорлик жамияти, Нурота 3-алоқа бўлими бошлиғи Фозил УРАЗОВ, «Наманган телеком», Наманган шаҳар телекоммуникация тармоғи 5 тоифали электромантўри Парпийбой КҮЗИЕВ, Масъулияти чекланган жамият «Аломат-аудит» аудиторлик фирмаси аудитори Обиджон Ураимжонович КЕЛДИБАЕВ, Хоразм кўча механизациялашган жамланма автокранчиси Султон ЖУМАНИЕЗОВ, «Алоқинвест» акциядорлик жамияти, Тошкент махсус курилиш таъмирлаш бошқармаси кабелчи-кавшарловчиси Эркин АБДУРАҲМОНОВ,

махсус авария тиклаш бошқармаси 15361-сон ҳарбий қисм ҳайдовчиси Виктор Федорович НЕМИРОВСКИЙ, Тошкент телефон-телеграф станцияси узатгич аппаратчеци бошлиғи ўринбосари Султонмурод Рихсиевич ШУКУРОВ, Шаҳарларро ва шаҳаро алоқа тармоғини бошқариш маркази, Тезкорлик бошқарув пунктининг Пахта пункти муҳандиси Екатерина Васильевна ПОЗНАХАРЕВА, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти 50-АТС кабелчи пайвандловчиси Қобулжон Раупович ЗОХИДОВларга Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг «ЎЗ КАСБНИНГ УСТАСИ» фахрий нишони берилди.

• Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

ЯРИМ ДИЙДОР

Сўзлашув хонасидан чиққан аёл бир олам қувонч билан телефончиға миннатдорчилик билдирди:

— Раҳмат, синглим! Сизга олис Германиядаги қариндошларимиз салом айтишимни илтимос қилишди. Барчаси соғ-саломат юришибди.

Солия уларни яши танирди. Бундан бир йил муқаддам улар ўз Ватанларига қўчиб кетишганди.

— Раҳмат, саломат бўлишин, — деди у. Шу онда бу дийдор текканидан Солия ҳам беҳад хурсанд эди.

Солия Пўлатова 22 йилдан буён «Самарқанд телеком» шўба корхонасининг Иштихон филиалида телефончи бўлиб ишлаб келяпти. У шу давр ичидан неча минглаб кишиларнинг узогини яқин қилмади дейсиз.

— Бир жойда 7—8 соатлаб кўзгалмай ўтириб ишлаш қийин эмасми? — сўрайман суҳбатдошимдан.

— Қуничиб кетганимиз, — деди у. — Ишга энди келган пайтларимда бу касб жуда оғир туолган. Ҳозир эса бошқа ишга

ўтиб ишлашни тасаввур ҳам қилолмайман.

— Қимларни ўзингизга устоз деб биласиз?

— Эгамберди Синдоров, Расим Каримов, Рамила Ермухаммедовларни. Улардан жуда кўп нарсаларни ўрганганман. Устозларимнинг маслаҳати билан Тошкент алоқа коллежини битирдим. Ҳозир катта телефончиман.

Шогирдларингиз ҳам бодир?

— Ҳа, албатта. Феруза Ашурова, Фарида Халилова, Матлуба Маликова каби бир-бириндан меҳнатсевар ва тиришқоқ шогирд сингилларим бор. Татьяна Зиева билан эса ишга қарийб олдинма-кейин келганмиш. Бир кунда 420—450 кишига хизмат кўрсатяпмиз. Иш тугагач, уйга — фарзандларим Марат ва Бекзод олдида шошиламан.

Солия Пўлатова вилоят ҳокимлигининг Фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ҳа, сидқи-дилдан меҳнат қилган одам асло кам бўлмайди.

Майрам ЭШИМАТОВА, Самарқанд вилояти

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАСИ

«Ўзбекистон маркази» очик турдаги акциядорлик жамияти




теннис мусобақасига бағишланган янги почта маркаси ва почта картчокаларини муомалага чиқарди.

Республикамыз мустақиллигининг 7 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган халқаро теннис мусобақалари аънава бўлиб қолди. Президент кубоги мусобақаларидан ташқари халқаро жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотган ракетка усталари учун Челленжер (эркаклар ва аёллар мусобақаси) ва «Буюк ипак йўли» мусобақаларига ҳам қизиқиш ортмоқда.

Янги чиқарилган почта маркаси икки хил рангда бўлиб, маркада теннисчи ҳаворанг ва сариқ-жигаррангда тасвирланган. Теннис кортига ҳам шу рангларда жило берилган. Почта картчокасида ҳам шу маркадаги тасвир акс этган.

Маркани тошкентлик мусаавир Ю. Габзалилов чизган.



Абдумалик Ёқубов 1994 йили алоқа коллежини тугатгач, Паркент электралоқа боғламасига ишга келган эди. Боғлама раҳбарлари ёш мутахассиснинг қамол топишида барча имкониятларни яратиб беришди. А. Ёқубов кросс электромеханиги бўлиб ишлаяпти.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган


• 1998 йил — Оила йили

ОИЛАВИЙ АЛОҚАЧИЛАР

Самарқанд туманидаги «Оҳалик» алоқа бўлими асосан оилавий ишчи-хизматчилардан иборат. Сервикор, баҳаво Қоратепла тизма тоғлари бағрида жойлашган мазкур алоқа бўлими ходимлари тоғли «Мехробод» ҳўжалигининг Янги бог, Янги ариқ, Оҳалик қишлоқлари аҳолисига намунали хизмат кўрсатмоқда. Ражаббой Назаров, Жаббор Соҳибов, Бибаражаб Қурбанов, Мавлуда Давлатова каби уруш иштирокчилари, кўп болали оналар оилавий алоқачилар хизматидан мамнун бўлишяпти.

Тошкент Алоқа коллежининг почта алоқа бўлимини битирган Изабелла Назарова ўн олти йилдан буён «Оҳалик» алоқа бўлимига етакчилик қилаётган бўлса, унинг умр йўлдоши Ботир Назаров ҳамда қизи Шаҳрибона Назаровалар почтачилик вазибаларида ишлаб келишяпти. Айни пайтда Камола, Илҳом, Исрол, Самандарлар ҳам ўқишдан бўш пайтларида ота-она ва опаларига ёрдამ бериб, оилавий алоқачилар аънарасини давом эттиришмоқда.

Насриддин ЭШҚУВВАТОВ



• МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

ШИША ТОЛАЛИ АЛОҚА ТИЗИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСТИҚБОЛИ

Ҳозирги замон алоқа тармоғида шиша толали тизимлар фойдаланишда катта ўрин тута бошлади. Ахборотларга қараганда, шиша толали кабелларни ерга ётқизиш ва улаш умумий ишларнинг 70 фоизига бўлган харажатларни талаб қилади. Шунинг учун сарф-харажатларни камайтириш муаммоси асосий масалалардан бири дейиш мумкин. Ана шу муаммонинг ечимларидан бири темир йўл, электр узатиш тармоқлари ва шаҳар электр транспорти устунларидан фойдаланишдир. Шиша толали алоқа тизимларини транспорт воситалари ёки электр тармоғи устунларидан фойдаланиб ҳосил қилишда бошқа тармоқ ташкилотлари билан келишилган ҳолда иш олиб борилса, моддий харажатларнинг камайтириш шубҳасиздир. Умумлашган тизимларни ҳосил қилиш эса ҳар бир тармоқ учун афзалдир, чунки уларни тармоқдаги ташкилотлар улушига асосан яратилиш мумкин.

Баъзи амалий ҳисобларга кўра, шаҳар тизимидаги шиша толали кабеллари бир километрга ётқизиш учун 4000 АҚШ долларидан 8000 АҚШ долларигача маблаг сарф қилиш талаб этилади. Бундан ташқари, ер остидаги кабелларни назорат қилиш ишлари ҳам анчагина маблаг сарфлашга олиб келади. Шунингдек, шаҳарлардаги телефон тармоғи кабел каналлаштирилганининг тўла бандлиги туфайли шиша толали кабелларни ётқизиш учун уларни қайта таъмирлаш ёки янгиларини қуриш лозим. Булар ўз навбатида шиша толали тизимлар қуриш лойиҳаси қийматининг янада ошишига ва алоқа тизими қуриш даврининг қўзилишига олиб келади.

Катта шаҳарларда кабел каналлаштириш қуриш ёки таъмирлаш ишлари ҳар километрга тахминан 100-150 минг АҚШ доллар сарфлаш талаб этади. Шу боис алоқачилар шиша толали тизимларни қуришда электр тармоғи ёки транспорти устунларидан фойдаланишни тақлиф қилмоқдалар. Бу усул алоқачилар ҳамда бошқа тармоқлар учун фойдали, айниқса шаҳар шaroитида катта маблаг тежаланишига олиб келади. Шаҳар шaroитида бир километр шиша толали кабелни электр тармоқ устунлари орқали қуриш 4000-5000 доллардан ошмайди ва унга кабеллар каналлаштириш таъмирлашга керак бўладиган юз минглик харажатлар лозим эмас.

Баъзи давлатларда, жумладан Россиянинг Саратов шаҳрида ана шундай электр устунлардан фойдаланиб қурилган шиша толали тизим ишлатиб келинмоқда. Устунлардан фойдаланиб, шаҳар телекоммуникацияси асосий тармоқларини бирлаштирувчи «ҳалқа» ҳосил қилинган ва

баъзи чекка тармоқларга ҳам қўшимча шиша толали кабеллар уланган. Асосий «ҳалқа» учун 32 толали кабел ишлатилган бўлса, қўшимча йўналишларда 16 ёки 8 толали кабеллардан фойдаланилган. Асосий ҳалқа узунлиги 40 километр бўлса, умумий шиша толали тизимнинг узунлиги 70 километрни ташкил қилади ва тизим бор-йўғи 2,5 ойда қуриб битказилган.

Оддий симли кабеллар ерда ёйилиб, кейин устунларга кўтарилади, аммо бу усул шиша толали тизимларга тўғри келмайди. Чунки кичик бўлса ҳам полиэтилен қобикнинг зарарланиши кабелнинг намланиб қолишига ва ишлаш даврининг камайтиришига олиб келади. Шунинг учун шиша толали тизимларни электр устунлари орқали ўтказишда махсус механизмлардан фойдаланиш ва кабелларга тўшадиган механик таъсир кучини иложи борица камайтириш лозим. Ишни босқичма-босқич ташкил қилиб, қўшимча пўлат сим ва капрон арқонлардан фойдаланиш керак.

Россия тажрибаси шунини кўрсатадики, биргина 12 кишилик бригада 8 соат мобайнида 2 километрга шиша толали кабелни ўтказди.

Бундай ишлар фақатгина Россияда эмас, балки АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Япония ва бошқа давлатларда кенг қўлланилмоқда. Чунки бу усул ҳам қурилиш вақтини, ҳам сарф-харажатларни камайтириши аниқ.

Бу усулнинг камчиликлари ҳам бор:

— устунларнинг хилма-хил транспорти ҳодисалари туфайли зарарланиш эҳтимоли мавжудлиги;

— шиша толали кабелларни устунларга маҳкамлашда хилма-хил мосламалардан фойдаланиш;

— алоқа ва электр тармоғи симларининг бир-бирига жуда яқин жойлашгани;

— иссиқ иқлим шaroитида очик ҳолдаги шиша толали кабеллардаги баъзи кўрсаткичларнинг ўзгариши.

Охириги камчиликни махсуслот ишлаб чиқарувчи корхоналар билан ҳамкорликда, амалий тажрибалар ўтказиб, мутахассислар ёрдамида бартараф этиш мумкин.

Юқоридаги мулоҳазаларга асосан шунини ишонч билан айтиш мумкинки, телекоммуникация соҳасида замон талабига жавоб берувчи шиша толали тизимларни қуришда электр устунларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу усул бугун бўлмаса, келажакда бизда ҳам албатта ҳаётга татбиқ этилади.

Ҳолик СОАТОВ,
Агентлик бозор
ислохотлари ва қimmatли
қозғалар бўлими бошлиги,
техника фанлари номзоди,
доцент

АЛОҚАЧИ ҲАМРОҲИ

Женева шаҳрида электралоқа сиёсати бўйича иккинчи жаҳон анжумани бўлиб ўтди. Анжуманинг «Алоқа соҳасида савдо» мавзуси анжуман ишида қатнашган электралоқа соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқувчилар, таниқли операторлар, телекоммуникация жихозларини етказиб берувчи нуфузли таъминотчилар — жами 119 мамлакатдан келган 700 делегатни ўзига жалб этди. Анжуманда ЮНЕСКО, халқаро банк, халқаро савдо ташкилотларининг иштирок этиши алоҳида аҳамият касб этди.

лакатларга нисбатан жадалроқ амалга ошмоқда, зеро, тараққий этган давлатлар халқаро алоқа каналларини тақдим этиш ҳисобига даромадларнинг катта қисмига эғалик қилмоқдалар.

Айнан шу тараққий этган давлатларга тааллуқли бўлган муаммоларни таҳлил этиш учун ривожланаётган мамлакатлар вакилларининг «анжуманга» ахборот сессияси чақирилди ва БДСТнинг қарорлари шарҳланиб, делегатларнинг анжуманга пухта тайёрланишларига имкон яратилди.

ктралоқа иттифоқининг 56 аъзоси БДСТга ҳали қўшилмаганликларини эслатиб ўтиш жоиздир.

Улкан телекоммуникация ахборот тармоқларининг (Интернет, Иридиум, ва х. к.) яратилиши ахборот хавфсизлигини таъминлаш принципларини ишлаб чиқиш ва халқаро электралоқа Иттифоқи низоми ва Конвенцияга қўшимчалар киритиш борасида ҳам тақлифлар бўлди.

АЛОҚАЧИЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

Тадбирда ҳуқуқий ва амалий масалалар бўйича эркин баҳс юритилди.

Алоқа соҳасидаги савдо муаммолари нафақат алоқа соҳаси учун, балки сафи кундан-кунга кенгайиб бораётган, ривожланаётган ва иш жараёнида телекоммуникация хизматидан кенг фойдаланадиган соҳалар учун ҳам жуда муҳимдир. Бугунги кунга келиб алоқа соҳаси бозор муносабатлари туфайли тез ривожланаётган соҳалардан бирига айланмоқда. Бугун дунё савдо ташкилотининг (БДСТ) 1998 йил, 5 мартда қабул қилган қарори алоқа соҳасининг ривожланишида катта аҳамият касб этди. Мазкур қарор электралоқа сиёсатини шакллантиришда жуда катта роль ўйнамоқда. Юз йиллар давомида давлат таъсирини давомлаштириш, фаолият доираси бўйича яққоқимлик қилиб келаётган соҳада ҳам бозор муносабатларини ривожланиши боис инқилобий ўзгаришлар юз берди. Ўзгаришлар дунё микросидадир. Ҳозирнинг ўзидаёқ дунёдаги халқаро алоқа тизимларининг туртдан уч қисми рақобатга ижозат берилган ҳолда давлат таъсирини қўймоқда.

Маълумки, алоқа соҳасида савдонинг эркинлаштириш, халқаро тарифлар ва ҳисоб-китоб тизимларини ислоҳ қилиш тараққий этган мамлакатларда ривожланган мам-

Халқаро электралоқа иттифоқининг сессияси ва бўлимлари айрим мамлакатларда алоқа хизматининг аҳоли ҳақидаги материалларни анжуманга тақдим этдилар. Колумбия, Хиндистон, Лесото, Мавритания, Сенегал, Шри-Ланка, Уганда каби мамлакатларда ҳар томонлама чуқур олиб борилган тадқиқотлар телекоммуникация соҳасидаги алоқа тизимларини ишлатиш, халқаро трафикларни жорий этиш, янги шaroитда алоқа хизматини мижозларга тақдим этиш борасида ривожланаётган мамлакатлар дуч келаётган муаммоларни чуқурроқ англашга имкон берди.

Анжуманда алоқа хизматида савдонинг оsonлаштиришга қаратилган «уч фикр» деб номланган ҳужжат муҳокама қилинди. «Фикр»ларнинг қабул қилиниши эса Бутун дунё савдо ташкилотининг халқаро савдонинг эркинлаштириш ва унинг шартларини изчил бажаришга ургувчи бўлиб, принципларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилди.

БДСТнинг асосий телекоммуникациялар бўйича битумининг кучга кириши ва уни 72 давлат вакиллари томонидан имзоланиши анжумандан катта ютуқлардан бири деб ҳисобланди. Шу билан бирга БДСТ аъзоси бўлмиш 60 давлат вакиллариининг ҳеч қандай мажбурият олмаганликлари ва халқаро эле-

Ривожланаётган давлатлар вакилларининг чиқишларида деярли бир овоздан ҳозирги кунда ўз телекоммуникация тармоқларини БДСТга кириштириш талаб қилиниши ҳисобга олиш зарурлиги қайд этилди.

Миллий алоқа бозорлари очилган шaroитда барча мамлакатларнинг миллий ва маҳаллий шарт-шaroитларини ҳисобга олиш зарурлиги қайд этилди.

Электралоқа ислоҳини жадаллаштириш нуктаи назардан анжуманинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. Шу билан бирга ижобий самара, яъни телекоммуникацияни ривожлантиришда чет эл сармояларини жалб этиш, бозорларни эркинлаштириш, рақобатни вужудга келтириш билан бир қаторда ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро электралоқадан оладиган даромадларнинг камайтириш каби салбий ҳолларга сабабчи бўлиши мумкинлиги ҳам таъкидланди.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
тайёрлади

ЯХШИ САМАРА БЕРМОҚДА

«Наманган телеком» хиссдорлик жамиятининг Косонсой филиали телефон тармоғида умумий сигими 10000 абонентга мўлжалланган АТС-лар мавжуд бўлиб, уларнинг беш мингги шаҳар, қолган беш мингги эса қишлоқ ҳудудларидаги абонентларга хизмат қилиб келмоқда.

Телефон станцияларининг бир меъёрга ишлатиши таъминлаш кўп жиҳатдан кабел тармоғининг техник ҳолатига боғлиқдир. Симёғочли кабел тармоқларидаги ТПП 10x2, 20x2, 30x2, 50x2, 100x2, ва 200x2 сигимли кабелларнинг монтажда шу

вақтгача фойдаланиб келинаётган муфтларнинг ва уларнинг монтаж қилиш технологиясининг мукамал эмаслиги кабелга сув кириши ва шунинг натижасида турли носозликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бу борадаги изланишлар ўз самарасини берди. Муфтларнинг монтаж қилишда эски усуллардан воз кечиб янги, оддий усуллардан фойдаланиш бошланди. Бунинг учун монтаж қилиниши лозим бўлган кабел сигимига қараб, ТПП кабелнинг кераксиз бўлакларидан узунлиги 35x40смда қобиғи чиқариб

олинади. Унинг бир томони қиздирилиб, 5 смча эгиб, ёпиштирилади ва стаканга ўхшаш шакл ҳосил қилинади. Кабел уланган уни вертикал ҳолатга келтириб, «станка» кийгизилади ва симёғочга боғлаб қўйилади.

Биз кабел тармоғимиздаги барча муфтларни янгиусига алмаштириб чиқдик. Натижада кабелдаги носозликларнинг кескин камайтириши эришдик. Бундай муфтларнинг яна бир афзаллиги — зарурат туғилганда биргина кабелчининг ўзи муфтани оsonликча очини, унинг ҳолатини назорат қилиши, носозликларни оsonликча бартараф этиши мумкин.

З. ҚАЛАНДАРОВ,
«Наманган телеком»
хиссдорлик жамияти
Косонсой филиали
директори

Ярим ўтказгич, транзистор деган сўзларни кўп ашитганимиз. Турмушимизга ярим ўтказгич, транзистор сўзлари кенг сингиб кетган. Хўш, улар нима ўзи?

Замонавий радиоэлектроника, телевидение, телекоммуникация ва бошқа соҳаларда турли-туман мақсадларга мўлжалланган ярим ўтказгичлар кенг ишлатилади. Кейинги даврларда ярим ўтказгичларнинг физик хоссаларини кенг қўлдамда татиб қилиш натижасида электрон техника янада катта муваффақиятга эришди.

Ярим ўтказгичлар электр токини ўтказишда металллар ва изоляторлардан анча фарқ қилади. Металлларнинг солиштирма электр қаршилиги жуда оз бўлса, диэлектрикларники, эса аксинча — жуда кўп. Ярим ўтказгичларнинг солиштирма электр қаршилиги эса металлларникидан кўп, диэлектрикларникидан оздир. Ярим ўтказгичларда ортқича эркин электронлар ҳосил этувчи моддалар донор деб аталади. Донорли қотишмаси бўлган модда п-турдаги ярим ўтказгич дейилади. Ярим ўтказгичнинг эркин электронлар ҳаракати натижасида ток ўтказиш электрон ўтказувчанлик ёки п-ўтказувчанлик деб аталади. Элемент атомидан электрон тортиб олинганда бўш жой пайдо бўлади. Табиийки, шу бўш ўринини бошқа электронлар эгаллашга ҳаракат қилади. Бўш жойга кўчган электроннинг ўрни бушаб, унинг ўрнини бошқа электрон эгаллайди. Шундай қилиб, электронлар бўш жойга кўча бошлайди, натижада электронларнинг ҳаракати, яъни электр ўтказиш хоссаси рўй беради.

Бўш жойларнинг ҳаракати натижасида ҳосил бўлган электр ўтказувчанлик хусусияти «бўш жой ўтказувчанлиги» деб аталади. Бу электрон ўтказувчанлигидан фарқ қилади, албатта. Бўш жой ўтказувчанлигини мусбат электр ҳаракати деб ҳисобласа бўлади. Ярим ўтказгичларда бўш жой ўтказувчанлиги ҳосил қилувчи моддалар акцептор ва шу қотишмага эга бўлган моддалар п-турдаги ярим ўтказгич деб аталади. П-турдаги ярим ўтказгичларда р-ўтказувчанлиги содир бўлади.

потенциал (тинч ҳолатдаги) энергияси кам. П-турдаги моддада эса бўш жойлар кам, демак, бу ҳажмда бўш жойларнинг потенциал энергияси кўп. Шундай қаватли ярим ўтказгичнинг п-турдаги қисмига ташқи электр занжирининг мусбат томонини, р-турдаги қисмига эса манфий томонини боғласа, ташқи электр манбаи тексари бириктирилиб, потенциал ғоё кенгайди. Бу ҳолда бўш жойлар ғовддан қийналиб ўтади, қаршилиш қўяди, ток эса камаяди. Ташқи электр манбанинг кутблари

Ярим ўтказгичли кучайтиргичлар — транзисторларнинг яратилиши электроника, алоқа, радиотехника, фан-техника, саноат, ҳақ ҳўжалигининг кўпгина соҳалари ривожланишида оламшумул ўзгаришларга олиб келди.

Дастлаб — 1948 йилларда яратилган транзисторлар 70-йилларда такомиллашиб, кенг қўлдамда қўлланила бошлади. Транзисторли тизимлар ўз хусусиятлари, иш қобилиятлари, ихчамликлари, фойдали иш коэффициентларининг юқори-

Транзисторлар ҳам диодлар сингари асосан икки хил: нуқтавий ва яси турда бўлади. Кристаллик триод иккита р-п ўтқи жойининг бириктирилиши асосида ишлайди. Тўри йўналишда бириктирилган чап томондаги р-п ўтқи жой эмиттер деб, п-қисми база (ёки асос) деб аталади. Эмиттер занжирини туташтирганда, р-қисмдаги бўш жойлар базага — асосга қараб силжи бошлайди. Эмиттернинг ўтқи жойида бўш жойлар концентрацияси ҳосил бўлиб, улар генератор сигналлари билан модулланади. У п-қисми (базадаги мувозанатлашган бўш жой концентрациясидан бироз фарқ қилади. Натижада бўш жойлар диффузиясини ҳосил қилувчи ток пайдо бўлади.

Транзисторлар ёки ярим ўтказгич триодларнинг техникавий кўрсаткичлари турлича бўлиши сабабли улар ишлатилишдан олдин кўпгина кўрсаткичлари бўйича тахлилдан ўтказилади. Бошида уларнинг чизма ва кўрсаткичлари бир тартибга солиб олинганда бўлса, турли чизма ва тузилмаларда ишлатиш ҳақиқатини туғдириши мумкин.

Кейинги ўн йилликларда транзисторларнинг физик-техникавий хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича йирик ҳажмдаги ишлар бажарилди, улардан амалда фойдаланиш бўйича катта тажриба орттирилди.

Ҳа, техника тараққиётининг муҳим омилларидан бўлиши транзисторлар ихчамлашиб, сифати, хизмат мuddати билан боғлиқ кўрсаткичлар тобора яхшиланиб, давр талаби даражада такомиллашиб бормоқда.

Жалол САИДУРДОВ

ЯРИМ ЎТКАЗГИЧЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Германий ярим ўтказгичининг бир томонига донор қотишма, иккинчи томонига акцептор қотишма киритилса, қаватли ярим ўтказгич ҳосил бўлади. Р-турдаги ярим ўтказгичда бўш жойлар кўп, п-турдаги ярим ўтказгичда эса, электронлар микдори кўп бўлади. Шундай ҳолатда қаватлардан бир томонга бўш жойлар, иккинчи томонга эса, электронлар ҳаракат қила бошлайди, р ва п-қаватлари бири-бирига тегиб турган жойда электрон ва бўш жойларнинг жуда юқори даражада микдори юпқа қатлами ҳосил бўлади. Шу қатлам ғов ёки «р-п ўтқи жой» деб аталади. Р-турдаги моддаларда бўш жойлар кўп, демак, мазкур ҳажмда бўш жойларнинг

алмаштирилса (р-турдаги қисм мусбат томонга п-турдаги қисм манфий томонга уланса) потенциал тўсиқ тораяди. Бўш жойлар бу тўсиқликдан енгил ўтади, қаршилиш камаяди. Электронлар ташқи электр майдони таъсирида ўтказувчанлик зонаси ғўта бошлайди, ярим ўтказгичнинг ўтказувчанлиги эса ошади. Шундай қилиб, р-п ўтқи жойи бўлган ярим ўтказгичлар бир томонга токни яхши ўтказса, тексари томонга ёмон ўтказсади. Уларнинг бу хусусиятидан ўзгарувчан токни тўриллашда фойдаланилади. Ярим ўтказгичларнинг (диодларнинг) ўзгарувчан токни тўриллаш хусусиятидан саноатда кенг фойдаланилади.

лиги ток, кучланиш, қувват кўрсаткичлари ва шунга ўхшаш томонлари билан радиолампалли тизимларга қараганда анча афзал эканлигини кўрсатади. Натижа шу бўлдики, радиотехника, телевидение, телекоммуникация, ҳарбий техника ва жуда кўп соҳаларда радиолампалар мажмуасини тўлиқ транзисторлар йиғмаси эгаллади.

Ҳозирги вақтда жаҳон электроника саноати катта микдорда транзистор турларини ишлаб чиқармоқда. Улар ичида юқори қувватли, кам қувватли, паст частотали, юқори частотали, ўта юқори частотали, юқори кучланиши, универсал, р-п-п1, п-р-п1 ва бошқа транзисторлар мавжуд.



Бухоро вилояти, Ромитан тумани электралоқаси АТСининг катта электромеханиги Саъдулло ТУХТАЕВ кроссда профилактика ишларини олиб бормоқда.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратта олган

РАДИОЛОКАТОР ЁРАМИДА

Соатиға 200 километр тезликда кетаётган поезд машинисти йўлда ётган бир нарса ёки одамни кўриб қолса, пўлат аравани дарҳол тўхтаётмайди. Қани энди узоқдан, кам деганда бир километр наридаги нарсани кўриш имкони бўлса. Бунда радиолокатор жуда қўл келар экан. Лекин темир йўл ҳамма жойда ҳам текис эмас, демак, радиолокаторнинг «кўриш майдони» йўл четдаги симёоч, дарахт ва бошқа нарсалар тушини мумкин.

Радиотўлқинлар тарами

керак жойда ҳаминша рельслар орасига тушиб туриши учун нима қилиш керак? Япон муҳандислар йўлнинг икки томонига радиотўлқин қайтаргич ўрнатишни таклиф қилишди. Бунда радионур олдин бир қайтаргичга тушади, ундан қаршисидига қайтади ва шу тартибда кетаверади.

Агар шундай мослама темир йўлнинг икки томонига ўрнатилса, машинист поезддан 5,5 километр наридаги рельслар орасида ётган тошни ҳам кўра олади.

А. АЛИЕВ
тайёрлади

Австралияда машҳур сайёҳ Кук хотирасига бағишлаб баландлиги 15 метр келадиган ҳайкал ўрнатилди. Ҳайкални 30 километр масофадан туриб ҳам оддий кўз би-

ЛАЗЕР ЁРИТГУЧ

лан бемалол кўриш мумкин.

Қандай қилиб дейсизми? Гап шундаки, ҳайкалга лазер рефлектор ўрнатилган бўлиб, у ҳайкални кечаю-кундуз бирдек ёритиб туради. Рефлектор оддий радиоприёмникдан ҳам кам энергия сарфлайди.

НЕС КОРПОРАЦИЯСИНING ХАЙРАИ ИШЛАРИ

Телекоммуникация воситалари ишлаб чиқариш бўйича дунёда машҳур бўлган компаниялардан бири — НЕС-Япония корпорацияси Ўзбекистонда ҳам ўз мавқеига эга. Корпорация телекоммуникациялар тармоқларини ривожлантириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича республикамизда ўтказилаётган йирик тадбирларда фаол иштирок этапти. Бундан ташқари, корпорация ўзбек мутахассислари билан биргаликда Тошкентда ўз техника марказини ташкил қилди. Тошкент электротехника алоқа институтида жойлашган ушбу марказ фақат алоқа коллежи ва институт ўқув жараёнлари учунгина эмас, балки кўпчилик алоқа корхоналари, Марказий Осиё ўқув маркази учун ҳам мутахассисларни энг янги технология асосида малакасини оширишда катта аҳамият касб этади.

НЕС корпорацияси Ўзбекистон Республикаси билан самарали ҳамкорлик қилган биринчи фирмалардан ҳисобланади. 1992 йили «Мустақилликнинг биринчи йилда пойтахтимизда йўлдош алоқанинг замонавий станцияси НЕС ҳамда Мицуи фирмалари ҳамкорлигида янги электрон станциялар курилиб ишга туширилди. НЕС заводларида бу электрон станция учун керакли асбоб-ускуналар тайёрланди. Станция ишга тушгандан сўнг ёш, мустақил давлатимиз бутун дунё билан 150 та сифатли каналлар орқали алоқа қилиш имкониятига эга бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон узоқ хорж мамлакатлари билан шундай каналлардан 400 тадан кўпроғи орқали алоқача чиқяпти.

НЕС халқаро станцияси биринчи курилган станцияси эди. У шу йиллар мобайнида ўзининг ишончилиги ва пухта ишлани билан яна бир бор синовдан ўтди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг Оролбўйи ҳудудида ОЕСФ Япония жамғармасининг 12,7 млрд. япон иени микдордаги кредити асосида 1996 йили ўтказилган телекоммуникациялар тармоқларини замонавийлаштириш ва ривожлантириш бўйича халқаро тендерда Мицуи ҳамда НЕС фирмалари ғолиб деб топилганлигидан ҳеч ким ҳайрон қолгани йўқ. Улар ғолибликни қўлга киритганларидан сўнг йирик лойиҳани бажаришга киришдилар. Ушбу лойиҳа Қорақалпоғистон Республикаси, Қоразм, Бухоро ва Наманг вилоятларида 252 минг линияга мўлжалланган 70 та маҳаллий

